Куч — адолатда

2012 йил,
1 июнь,
жума
№ 21 (378)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Юртимиз келажаги ва тараққиётининг муҳим таянчи

Бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ҳа, давлатимиз раҳбарининг бу эътирофи халқимизнинг дилидаги гап. Зеро, оилани муқаддас ҳисоблаш, фарзанд камолини кўришни ҳаётнинг мазмуни деб билиш шу заминда яшаётган ҳар бир инсонга хос десак, хато бўлмайди. Чунки бу гўзал туйғулар бизга аждодлардан мерос, қон-қонимизга сингиб кетган қадриятдир.

Истиқлол туфайли болалар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг етук инсон бўлиб вояга етишиши учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратилди. Зеро, улар эртанги кун эгаси, мамлакатимиз келажаги ва тараққиётини таъминловчи муҳим кучдир.

Маълумки, вояга етаётган ҳар бир фарзанд, асосан, мактаб даврида шахс сифатида шакллана бошлайди. Шу боис ҳам юртимизда мактабларга, уларда барча зарур шарт-шароитларни муҳайё этишга доимий эътибор бериб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида ҳам мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш, энг замонавий талабларга мос келадиган ўқув моддий-техник базаси ва таълим стандартларини шакллантириш, мактабларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва услубий материаллар билан таъминлаш юзасидан улкан чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу саъй-ҳаракатлар таълимнинг кейинги босқичи – академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизимида янада юқори савияда ташкил этилди. Натижада бугунги кунда юртимизда юксак билим ва малакага эга мутахассислар тайёрлашнинг самарали механизми яратилди.

Келажак авлоднинг жисмонан бақувват бўлиб вояга етишида болалар спортини ривожлантириш алоҳида ўрин тутади. Бу борада юртимизда аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Барча спорт иншоотлари зарур спорт анжомлари билан жиҳозланди. Замонавий корхоналаримизда болалар учун сифатли спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш имкониятлари чуқур ўрганилиб, спорт иншоотлари учун тавсия этиладиган энг қулай ва мақбул жиҳозлар каталоги яратилди. Болалар спорти объектларини жиҳозлаш учун зарур инвентарларнинг асосий қисмини юртимизда тайёрлаш йўлга қўйилди. Мамлакатимизда спорт иншоотлари қуриш бўйича катта тажриба тўпланди, бошқача айтганда, яхлит тизим яратилди. Натижада ёш авлодни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида тарбиялаш, уларда спортга қизиқишни, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ошириш имконияти кенгайди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Xabar

Олий суд Пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асослари ҳар томонлама мустаҳкамлангани алоҳида таъкидланди.

Пленумда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланган ва бу борада қатор халқаро ҳужжатлар имзоланиб, уларнинг талаблари самарали ижро этиб келинаётгани қайд этилди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, бугунги кунда одам савдосига, коррупцияга қарши кураш ва бола ҳуқуқлари ҳимояси каби етмишдан ортиқ конвенция ва халқаро ҳужжатларга қўшилгани ва уларнинг нормалари миллий қонунчиликка имплементация қилинаётгани бунинг далилидир.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Суд ажримлари

улар одил судловни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида истиқлол йилларида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Умумий юрисдикция судлари негизида фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича суд фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига тўхталадиган бўлсак, фуқароларнинг мурожаатлари сони йил сайин кўпайиб бораётганини кузатиш мумкин. Бу фуқаролик муносабатларининг фаоллашганини кўрсатиши билан бирга фуқароларнинг судларга ишончи ортаётганини ҳам билдиради.

Фуқаролик ишларини ҳал этишда судлар томонидан қонунчилик талабларига тўлиқ риоя этилмоқда. Қолаверса, кейинги йилларда фуқаролик қонунчилигининг такомиллаштирилгани ва судда иш юритиш соддалаштирилганлиги ишларнинг янада тез ва сифатли кўрилишида алоҳида аҳамият касб этаётир.

Маълумки, Фуқаролик-процессуал кодекси талабига кўра, судга келиб тушган аризани қабул қилишдан тортиб, то уни ҳал этишгача бўлган жараёнда иш ҳолатига қараб турли ажримлар чиқарилади. Мазкур ажримлар ишни ўз вақтида, қонуний кўриб чиқиб, ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми учинчи бетда)

Munosabat

Дунёни маънавият қутқаради

Йигирма биринчи асрнинг иккинчи ўн йиллигини ҳам қадам-бақадам босиб ўтяпмиз. Инсоният ўз ақл-заковати билан яратган тараққиёт аталмиш неъмат туфайли мислсиз натижаларга эришиб келмоқда. Бир вақтлар одам боласини оддий велосипед ҳам буюк кашфиёт сифатида ҳайратга солган бўлса, эндиликда лаҳзада ер юзининг нариги чеккасидаги манзарадан хабардор бўлиш оддий воқеликка айланиб қолди.

Олис, яқин деган нисбий тушунчалар мутлақо ўзгариб кетди. Она сайёрамиз, таъбир жоиз бўлса, яхлит вужуд каби сезгир, таъсирчан хилқатга айландики, бугун ҳеч ким «Ўзим тинч бўлсам бас», дея олмайди. Шундай бир даврда ҳам маърифат ва жаҳолат ўртасидаги азалий кураш тўхтаган эмас.

Ақлли машиналар, мўъжизакор ускуналар инсон эҳтиёжини қондираётган даврда терроризм деган бало-қазо башарият ҳаётига таҳдид солиб турибди. Бундай таҳдидни курраи заминга ўзга сайёрадан, ўзга кучлар жўнатаётгани йўқ, улар табиий офат каби осмондан ёки океандан ёпирилиб келмаяпти. Ўша аянчли, кўнгилсиз фожиаларнинг ижрочиси айнан инсоннинг ўзи. Ажабо, бундай қалтис ҳаракатлар ҳалокатга олиб келишини англаган банда нега ўзи ўтирган дарахт шохини кесмоқчи бўляпти? Кенг маънода фикрласак, барчасининг сабаби маънавий тарбиянинг замини бўшлигига бориб тақалади. Инсоният яралгандан буён орадан юзлаб асрлар ўтаётганига қарамай ҳамон бошқаларга ҳукмрон бўлишга интилиш, нафс йўлида иймондан айрилиш иллати одам боласини тарк этган эмас.

(Давоми иккинчи бетда)

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

Ёш оилалар мустаҳкамлиги

уни таъминлашнинг маънавий-ҳуқуқий асослари

Оила шундай муқаддас даргоҳки, унда нафақат инсон дунёга келади, балки у ҳар жиҳатдан камолга етади. Президентимиз таъкидлаганидек, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, келажак наслар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Шу боис ҳам мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Оила ижтимоий ҳаётда ҳам тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими тобора такомиллаштирилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг туб мақсади — фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, манфаатларини таъминлашга қаратилган.

Burch va majburiyat

Қарз шартномаси

Миллий қонунчилигимиз ҳам ана шундай тамойиллар асосига қурилган. Мулк дахлсизлиги, фуқаролар ҳуқуқлари тўсқинликларсиз амалга оширилиши, суд орқали ҳимоя қилиниши шулардан жумласидандир. Шу билан бирга қонунларда фуқароларнинг мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, ҳозирги кунда долзарб бўлган қарз муносабатларига фуқаролик қонунчилигида алоҳида ўрин берилган.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Мулкка эгалик ҳуқуқи

у қачон ва қандай тарзда вужудга келади?

Мулк ҳуқуқи — мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш, давлат мулкини хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш ва бошқа асослар билан вужудга келади.

Мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчмас ва кўчар мулкка бўлинади. Кўчмас мулк ер участкалари ва ерости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, шунингдек, бинолар ва иншоотлардан иборат. Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни қўлга киритиш ва улар бекор бўлишининг хусусиятлари қонунда белгилаб қўйилган. юқорида кўрдик

Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Жумладан, кўчмас мулк сотилиб, бошқа шахсга мулк қилиб берилганда мулк ҳуқуқи сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилади. Агар тарафлардан бири кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товласа, бошқа тарафнинг талабига биноан суд мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Олий суд Пленуми

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунлари ҳамда кодекслари, шунингдек, Олий суд ва Олий хўжалик суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрда қабул қилинган **«Суд ҳокимияти тўғрисида»**ги қўшма қарори одил судловни амалга оширишда судлар томонидан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва халқаро шартномалар қоидалари қўлланилишида юзага келадиган муносабатларни моддий ҳамда процессуал жиҳатдан тартибга солади.

Бундан ташқари Ўзбекистонда хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш борасида халқаро ҳамкорлик тизими шакллантирилган. Бу борада **«Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган. Ушбу қонунда судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирувчилар томонидан жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишнинг процессуал тартиби белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 390-моддасида чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш ва Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судларига топшириқ билан мурожаат қилиш тартиби белгиланган.

Пленумда муҳокама этилган «Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарор лойиҳаси истиқболда судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишлари юзасидан хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал этишда процессуал қонун талабларининг тўғри қўлланилишини ва бу борада ягона амалиёт шакллантирилишини таъминлашга хизмат қилади.

Пленумда, шунингдек, «Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари билан боғлиқ айрим масалалар ҳақида»ги қарор лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Фуқаролик-процессуал кодекси талаби асосида судлар фуқароларнинг мурожаати бўйича қўзғатилган фуқаролик ишларини ҳал қилув қарори ёки ажрим чиқариш йўли билан ҳал этади. Одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда ҳал қилув қарори каби ажримларнинг ҳам аҳамияти катта. Пленум қарори айнан ана шу мақсадга ҳамда фуқаролик ишлари бўйича ажрим чиқариш борасида ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Munosabat

Дунёни маънавият қутқаради

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, инсон табиатан ахборотга ташна эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатлардан биридир. Ана шу ташналик боис бутунжаҳон ахборот тўри — интернет пайдо бўлди. Кенг маънода қараганда, интернет тараққиёт туҳфаси. Унда жойлаштирилаётган ахборот уммони қанчадан-қанча вақтни, масофани, харажатни тежайди. Фақат ўзида Шарқнинг ибратли ва доно хислатларини мужассам этган фарзандларимизга салбий таъсирларни юқтирмаслик — маънавий иммунитет туйғусини кучайтириш бўйича мунтазам иш олиб боришимиз керак. Бирор ножоиз манзарага кўзимиз тушиб қолса, «турқинг қурсин» деб ҳазар қиламиз-ку. Демак, нохолис ахборотга ҳам шундай муносабатда бўлишимиз лозим. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ўринда бизни фақат юксак маънавият қутқаради.

Президентимиз кўп уқтирадиларки, дунёда бунёдкор ва вайронкор кучлар мавжуд. Минг шукрки, бизнинг халқимиз азалдан яратувчиликни, қуришни, ҳосил олишни кўнглига жойлаб олган. Гулни кўриб гўзалликни ҳис қиламиз, эзгу ниятлар билан хонадонимизда бешик асраймиз, фақат инсон фароғатига хизмат қиладиган нарсаларни кўпайтириш пайида бўламиз. Чунки тинчлик деган азиз неъматнинг қадри нечоғлик юксак эканини дил-дилдан англаймиз. Ҳамма яхши нарсаларнинг рўёбга чиқишига асосий шарт — тинч-осойишта ҳаёт эканлигини ўтмиш сабоғи орқали тушунганмиз.

Кейинги йигирма йил ичида юксак марраларни забт этган бўлсак, дунё назарига ва эътирофига тушган бўлсак, ҳаммасига тинчликпарвар сиёсат туфайли эга бўлдик. Ўзбекнинг чин бунёдкорлик табиати ўз эркинлигини қўлга олгандан сўнг янада кенг намоён бўлди. Тошкентимизда амалга оширилган бунёдкорлик иншоотларини бир кўз олдингизга келтиринг. Уларни бирма-бир санаб чиқиш учун қанча вақт керак?! Пойтахтимизни бир қур пиёда айланиб чиққан одамнинг баҳри-дили очилиб, қувонч ва ғурурдан кучга тўлади. Ямяшил боғлар, муҳташам бинолар, шаҳар ҳуснига ҳусн бўлиб тушган фавворалар ҳар қандай одамни ҳам тўлқинлантириб юборади.

Бугун ер юзининг қайси бир гўшаси олов ичида қолган, осмонини тутун ва ғубор қоплаган, одамларнинг кўнглидан тинчлик-хотиржамлик, ҳузур-ҳаловат кўтарилган. Ахир, бир неча йиллар олдин шу минтақалар жаннатмонанд гўшалар эмасмиди?! Демак, қандайдир разил кучлар чиркин манфаатига етиш учун уруш оловини ёққан. Бундай мудҳишлик оқибатида кўнгиллардан хотиржамлик кўтарилади. Тинч-осуда ҳаёт, қушларнинг сокин чуғурлаши армонга айланади.

Уруш, нотинчлик инсоният бошига бундан бошқа ҳам минг бир азоб-уқубатни солади.

Баъзилар тинчлик ўз-ўзидан бўлаверади, деб ўйлаши мумкин. Аслида бундай эмас. Шаҳар ва қишлоқларимиз гуллаб-яшнаши, фарзандларимиз боғчамактабларга бехавотир бориб-келиши учун давлатимиз озмунча жон куйдираётгани йўқ. Дарҳақиқат, Президентимизнинг **«Юксак маънавият — енгилмас куч»** деган даъватлари давримизнинг ҳаётбахш шиорига айлангани ҳам бежиз эмас.

Бугун вилоятларимизга йўлингиз тушса, ҳар қадамда юз кўрсатаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини кўриб кўзингиз қувонади! Андижондаги ҳашаматли кўчалар улкан мегаполисларни эслатиб турибди. Наманганликлар ҳам қараб туришгани йўқ. Гуллар шаҳридаги янги уй-жойларга шунчаки қараб бўлмайди. Дунёдаги кўплаб корчалонларни ўйлантириб қўйган глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида мамлакатимизда ўсиш-юксалиш кузатилмоқда. Очиғи, инқироз таҳдид солганда оддий одам уй-жой қуриш ҳақида ўйлай олмайди. Қувонарли томони шундаки, юртимизнинг ҳамма туманларида қишлоқ меҳнаткашлари тайёр, намунали лойиҳа асосида қурилган шинам уй-жойларга кўчиб ўтишяпти.



Яқинда водийга қўшни мамлакатдан келган меҳмон кўркам уй-жойларга қараб: «Агар ўзим кўрмасам, ишонмас эдим», деганини эшитдим. Биз ҳам водийга қилган сафаримиз чоғида ана шундай янги хонадонлардан бирида меҳмон бўлдик. Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги Ёрқўрғон қишлоғидаги хонадонлардан бирининг эшигини қоқдик. Кўнглимизда, «Қани, бу уйларда яшаётган одамлар нимани ҳис қилишаркан», деган фикр бор эди. Меҳмонлардан хабар топган қўшнилар «бизникига ҳам кириб ўтинглар», деб астойдил таклиф қилишди. Уларнинг юз-кўзларидан бизга ўзлари эга бўлган қулайликларни ғурур билан кўрсатгилари келаётгани сезилиб турарди. Ўзимиз гувоҳ бўлдикки, бу уйлар ҳамма қулайликларга эга. Бир ажойиб гурунг бўлди. Суҳбат мавзуи Президентимизнинг Хотира майдонидаги интервьюларига бориб тақалди. Қандай пешонаси ярқираган инсонлармиз, шундай юртда туғилиш, унинг улуғвор ишларига дахлдор бўлиш бахт, деган фикрлар билдирилди. Худди мана шу суҳбатнинг ўзи йигирма йил мобайнида халқимизнинг дунёқараши қанчалар ўзгарганлигига жонли мисолдир.

Эртаси куни йўлга тушаётганимизда бутун маҳалла аҳли шундай тўкис шарт-шароит, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар учун Президентимиздан миннатдор эканликларини айтишди. Биргина мана шу ҳолат — одамларнинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшаётгани юртимизда истиқлол туфайли қандай натижаларга эришганимизни ёрқин ифодалаб турибди.

Ўзбек оиласидаги муҳит, хонадонда яшаётган инсонларнинг ўзаро муомаласи, синчиклаб разм солсангиз, ҳавасингизни келтиради. Ота дастурхон олдида фарзандларининг ишлари билан қизиқади. Ўғил-қизлар саволга одоб билан жавоб беришади. Яхши юмушни уддалаган бўлса, ота «Баракалла, элнинг дуосини олинглар», деб алқаб қўяди. Падари бузрукворнинг юз-кўзларидаги қувонч болаларни руҳлантиради. Шундай оилалар ҳамиша мустаҳкам бўлади, шундай оилаларда эзгу ниятлар барг ёзади.

Катта хонадонда тарбия кўрган ёшлар ўзлари қандай анъаналарга ворис эканлигини ҳис қилишади. Ildизлари буюк аждодларга туташ бўлганлигидан ғурурланишади. Фақат яхши амаллар қилган, эл-юртга қайишиб яшаган одам ортидан эзгу ном қолдиришини англаб етади.

Шундай қилиб, умрнинг яна бир куни ортда қолди. Дунёнинг қайси бир бурчагида ҳасрат ва таҳликадан одамлар юрак ҳовучлаган бўлса, Ўзбекистонда ўсиб-ўниш, бунёдкорлик йўлида олға силжиш намоён бўлди. Биз дунёга ҳамиша яхши ният билан қараб келган халқмиз. Шунинг учун ҳамиша дунёда тинчлик-осойишталик барқарор бўлсин, дея ният қиламиз. Яратган ҳам пок ният билан, чин дилдан илтижо қилганга беради. Мўътабар кексаларимиз қилаётган дуолар ижобат бўлаверсин!

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Saboq

Кафолатли хизмат — хавфсизлик гарови

Аввало шуни айтиш керакки, алоҳида фаолият турларини лицензиялаш бу — фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлат томонидан тартибга солинадиган муносабат ҳисобланади.

Бинобарин, мамлакатимизда амалда бўлган **«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»**ги қонун ушбу жараённи тартибга солишнинг ҳуқуқий асосидир. Хусусан, шахсий автомашиналаридан йўловчи ташиш мақсадида фойдаланаётган ҳайдовчиларнинг ҳам лицензия (рухсатнома) асосида фаолият юритиши ушбу қонунда белгилаб қўйилган.



Аммо шоли курмаксиз бўлмаганидек, баъзи кишилар қонунни четлаб ўтиб, ўз шахсий манфаатини кўзлаб, киракашлик қилишади. Лекин улар бу ноқонуний ҳаракатлари вақти келиб, қимматга тушишини ўйлаб ҳам кўришмайди.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга мурожаат этсак, «Даштнобод-Сариосиё» йўналишида ҳаракатланаётган Сариосиё туманида яшовчи Жўрабек Маманов бошқарувидаги «ДАМАС» русумли автоулов Сариосиё тумани солиқ ҳамда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан тўхталиб, ҳайдовчидан тегишли ҳужжатлар сўралганда, у ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмади. Чунки унинг лицензияси йўқ экан. Натижада Ж.Маманов ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракати учун қонун олдида жавоб берадиган бўлди. Шунингдек, ушбу туманда яшайдиган Шарофиддин Эшонов ҳам ўзига тегишли шахсий «ДАМАС» автомашинасида қонунга хилоф равишда, ҳуфёна киракашлик қилиб юрганда қўлга тушди.

Буни қарангки, «қовун-қовундан ранг олар», деб бежиз айтишмаган экан. Ўша куни деновлик Сарвар Турсунов ҳам лицензиясиз «Нексия» автомашинасида киракашлик қилиб юргани аён бўлди. Албатта, бу ҳаётда ҳеч бир қилмиш жазосиз қолмайди. Жумладан, Ж.Маманов, Ш.Эшонов ва С.Турсуновларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан ҳам тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, судга тақдим этилди.

Суд маъмурий ҳуқуқбузарларнинг хатти-ҳаракатларини атрофлича муҳокама этиб, уларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талабидан келиб чиқиб, жарима жазоси тайинлади.

Дарҳақиқат, амалдаги қонун талабларини четлаб ўтишга уринган кимсалар қонун олдида жавоб беради. Зеро халқимизнинг «Кўза кунда эмас, кунида синади», деган пурмаъно нақли бор. Ушбу мақолнинг мағзини чақсангиз, «қинғир қадам босган киши, бир кун барибир қилмиши учун жавоб беради», деган хулоса келиб чиқади.

Зуфар НАРЗИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Сариосиё тумани судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч-адолатда» мухбири

Fuqarolik qonunchiligi

Мулкка эгалик ҳуқуқи

у қачон ва қандай тарзда вужудга келади?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз равишда бўйин товлаган тараф бошқа тарафнинг рўйхатдан ўтказиш кечикканлиги туфайли кўрган зарарини қоплаши шарт.

Мисол учун даъвогар Музроб Тўраев жавобгар Хосият Тўраевага нисбатан уй-жойдан чиқариш тўғрисида судга мурожаат қилган. Айтиш керакки, оғзаки келишувга асосан Х.Тўраева уй-жойни сотиб олган, лекин пулини тўлиқ бермаган. Даъво аризаси кўриб чиқилаётганида тарафлар ўзаро келишганлиги сабабли суднинг ажримига кўра, улар ўртасида тузилган келишув битими тасдиқланган. Кейинчалик Х.Тўраева уй-жойни сотиб олиш учун келишилган пулни М.Тўраевга тўлаган. Аммо у хонадонга нисбатан эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказмаган. Х.Тўраева вафот этгач, мазкур уй-жойда яшайдиган унинг беш нафар фарзандидан бири, яъни Насиба Тўраева 2012 йил март ойида судга мурожаат қилиб, уй-жойда яшаб турган бошқа фуқароларни чиқаришни сўраган. Суд даъвогарнинг уй-жойдан чиқариш тўғрисидаги даъвосини муҳокама қилиб, унинг аризасини Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддаси талабига асосан даъво аризаси манфаатдор шахс томонидан берилмаганлиги боис кўрмасдан қолдирган. Чунки 2003 йилдаги суднинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими марҳума Х.Тўраева ва унинг беш нафар фарзандининг эътиборсизлиги натижасида давлат рўйхатидан ўтказилмасдан қолган. Аслида қонун талаби бўйича даъвогар Н.Тўраева марҳума онасига суднинг ажримига асосан тегишли бўлган мазкур уй-жойни давлат рўйхатидан ўтказиб, мерос мулкини қабул қилгандан сўнг судга жавобгарларни уй-жойдан чиқариш тўғрисида мурожаат қилиши лозим эди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир жисмоний ва юридик шахс ўзига тегишли бўлган кўчмас мол-мулкни қонун талаблари бўйича давлат рўйхатидан ўтказса, ундан фойдаланишда муаммоларга дуч келмайди.

Голибжон ВОҲИДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг раиси

Qilmish-qidirmish

Бурч ва

Маълумки, ҳаётда инсонни эл-юрт олдида улуғлайдиган, қадрини оширадиган маънавий мезонлар кўп. Чунончи, самимийлик, ҳалоллик, қатъият, оқкўнгиллик, ҳар бир ишга сидқидилдан ёндашиш каби хислатлар умрни мазмунан бойитади. Шу маънода бирор-бир жамоага раҳбар сифатида тайинланган инсон кўпнинг кўнглини топа оладиган, ишбилармон, ташаббускор, айни чоғда, ҳалол ва фидойи бўлса, бундан унинг ўзи ҳам, у фаолият юритаётган жамоа ҳам наф кўради.

Ўктам Бобоев (исм-шарифлар шартли) 2008 йилнинг 24 июлида «Навоийулгуржисавдоинвест» масъулияти чекланган жамияти директори сифатида иш бошлаганда ҳамманинг у ҳақдаги фикри ижобий эди. Тўғриси, Ў.Бобоев аввалбошда ишни рисоладагидек олиб борди. Бироқ охир-оқибат унинг феъл-атворида ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш каби иллатлар бўй кўрсатди.

Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. Гап шундаки, «Навоийулгуржисавдоинвест» МЧЖ фаолияти бўйича ҳужжатли тафтиш ўтказилганда жамиятнинг моддий жавобгар шахслари жавобгарлигида 112 миллион 372 минг 833 сўмлик камомад борлиги, 67 та корхона ва ташкилотларда 221 миллион 699 минг 753 сўмлик дебитор, 27 та хўжалик юритувчи субъектларида 41 миллион 842 минг 168 сўмлик кредитор қарзлар мавжудлиги аниқланди.

Ў.Бобоев масъулияти чекланган жамиятнинг хўжалик ишлари мудираси Г.Йўлдошеванинг жавобгарлигида бўлган 4 миллион 400 минг сўмлик ёғ маҳсулотлари солишга мўлжалланган идишни тергов жараёнида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Жўрабек исмли кимсага 1 миллион сўмга сотиб юборади. Шунингдек, масъулияти чекланган жамият билан «UZ-GINYOUNG» қўшма корхонаси ўртасида 2009 йилнинг 8 июлида 448-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра, масъулияти чекланган жамият қандолат маҳсулотлари сотиб олиш учун «UZ-GINYOUNG» ҳисоб рақамига 2009 йилнинг 14 июлида 25 миллион сўм, 20 июлда яна 25 миллион сўм ўтказиб беради. Қандолат маҳсулотлари олиб келингач, Ў.Бобоев маҳсулотларни нақд пулга соттиради-ю, пулни чўнтагига уради.

Баднафслик одамни тўғри йўлдан оздиради. Бу фикрнинг тасдиғини Ў.Бобоевнинг қилмиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Каттақўрғон туманидаги «Муродулло» фермер хўжалиги аъзоси И.Қурбонов 2010 йилнинг 25 июлида рақамсиз юк хати билан масъулияти чекланган жамиятга топширган 2 минг 50 килограмм гуручни ҳам Ў.Бобоев номаълум шахсларга сотиб юборади, пулни эса, ҳар галгидек, ўзининг манфаати учун ишлатади.

Islohot va samara

Суд ажримлари

улар одил судловни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунинг учун ҳам судлар ажрим қабул қилиш масаласига алоҳида масъулият билан ёндошиши, ажримларнинг қонуний ва асосли бўлишини таъминлаши лозим.

Суд амалиёти таҳлилидан кўринишича, судлар томонидан аксарият суд ажримлари процессуал ва моддий қонун талабларига риоя қилинган ҳолда чиқарилмоқда. Шу билан бирга, биринчи инстанция судида иш кўриш жараёнида чиқарилаётган айрим ажримлар шакли ва мазмуни жиҳатидан Фуқаролик-процессуал кодекси талабларига тўлиқ жавоб бермайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Шу муносабат билан суд ажримларини чиқаришда юзага келаётган айрим муаммо ва тушунмовчиликларнинг ечимини топиш, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш, судларга тегишли йўлланма бериш мақсадида Олий суд иш режасига асосан фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2011 йил давомида чиқарилган суд ажримлари таҳлил қилинди. Аниқланишича, судлар асосан аризани қабул қилишни рад этиш, аризани ҳаракатсиз қолдириш, аризани кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажримлар қабул қилишда баъзи хатоларга йўл қўйган бўлиб, ушбу хатоларнинг асосий қисми вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан бартараф этилган. Суд ажримларининг бекор қилинишига уларнинг асослантирилмаганлиги, моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги сабаб бўлган.

Шунингдек, биринчи инстанция судлари томонидан ажрим чиқаришда Фуқаролик процессуал кодексининг 237-238-моддаларига риоя қилиш, фуқаролик ишини кўзғатишдан бошлаб, ишни тугатишгача бўлган жараёнда чиқарилган ажримлар таҳлил қилинганда баъзи ҳолларда судлар томонидан процессуал ҳаракатларни ажрим билан расмийлаштиришга етарли эътибор қаратилмаётганлиги ҳолати ҳам аниқланди.

Суд амалиётида йўл қўйилаётган камчиликларнинг олдини олиш, амалдаги Фуқаролик процессуал кодекси нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, ягона суд амалиётини жорий этиш, одил судлов самарадорлигини таъминлаш мақсадида Олий суд Пленумининг **«Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари билан боғлиқ айрим масалалар ҳақида»**ги қарори лойиҳаси тайёрланди. Унда судларда суд ажримларига бўлган талаб, суд ажримларининг чиқарилиши босқичлари, суд ажримларининг расмийлаштирилиши, унинг турлари ҳақида батафсил тушунтиришлар берилди.



Суд амалиётида йўл қўйилаётган хатолардан келиб чиққан ҳолда Пленум қарорининг 3-бандида ажримлар алоҳида хонада, Фуқаролик процессуал кодексининг 14, 204-моддалари талабига риоя қилган ҳолда, процессуал ҳужжат шаклида чиқарилишига, мураккаб бўлмаган масалаларни ҳал этишда эса, суд томонидан ўз жойида ажрим чиқарилиши ва дарҳол эълон қилиш, шунингдек, ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят қилинадиган ҳамда ижро этилиши талаб этиладиган ажримлар алоҳида процессуал ҳужжат шаклида чиқарилиши лозимлиги белгилаб берилди.

Юқорида қайд этилганидек, суд ажримлари расмийлаштирилиши жиҳатидан ўз жойида чиқариладиган ажримлар ҳамда алоҳида процессуал ҳужжат шаклида чиқариладиган ажримларга бўлинади.

Судлар томонидан чиқарилган ажримлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда Пленум қарорининг 5-бандида алоҳида процессуал ҳужжат шаклида чиқариладиган суд ажримларига бўлган талаб тўғрисида, яъни ажримнинг кириш, баён қисми, асослантирувчи қисми ва хулоса қисмида акс эттирилиши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисида; 6-бандида эса, ўз жойида чиқариладиган ажримларда низо предмети ва ажрим билан ҳал этилаётган масала моҳияти, суднинг хулосасига олиб келган асослар ва суд қўллаган қонунлар ҳамда суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан хулосаси қайд этилиши, ўз жойида чиқариладиган ажримларда ажримнинг кириш қисми, шунингдек, шикоят қилиш тартиби ва муддати кўрсатилмаслиги ҳақида судларга батафсил тушунтириш берилди.

Маълумки, суд ажримлари шикоят ва протест қилинадиган ҳамда шикоят ва протест қилинмайдиган икки турга бўлинади. Амалиётда судлар томонидан ушбу икки тоифа ажримларда хатоликка йўл қўйилаётган, хусусан, шикоят қилинмайдиган ажримларда унинг шикоят қилиниши муддати кўрсатилиб, берилган шикоятларни вилоят судининг апелляция ёки кассация инстанциясига кўриб чиқиш учун расмийлаштириш, шикоят қилинадиган ажримларда эса, аксинча, хатоликка йўл қўйилаётган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Шу каби хатоликларнинг олдини олиш мақсадида Пленум қарорнинг 7-бандида ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин бўлган ажримлар тўғрисида батафсил тушунча берилди ҳамда шикоят ёки протест келтирилиши мумкин бўлган ажримлар кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари Пленум қарорининг 8-бандида суд ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят ва протест қилинмайдиган ажримлар ҳақида тушунтириш берилди.

Қарорнинг 9-бандида шикоят ва протест қилинмайдиган ажримлар юзасидан эътирозлар ҳал қилув қарорига нисбатан бериладиган апелляция, кассация ва назорат тартибидаги шикоят ёки протестда келтирилиши мумкинлиги қайд этилди.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одил судловни таъминлашда суд ажримлари катта аҳамиятга эга бўлиб, қабул қилинган Пленум қарори ягона суд амалиётини жорий этиш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Холмўмин ЁДГОРОВ,
Олий суд судьяси

Burch va majburiyat

Қарз шартномаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қонунга кўра, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тараф (қарз олувчи)га пул ёки бошқа ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса, қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномасининг бошқа шартномалардан фарқи шундаки, агар қарз миқдори энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, шартнома оддий ёзма шаклда тузилиши, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса, суммасидан қатъий назар, ёзма шаклда тузилиши шарт.

Суд амалиётида тарафлар ўртасида тузилган қарз шартномаларида қарз олувчи олинган қарзни шартномада белгиланган муддатда қарз берувчига қайтармаганда олинган суммага нисбатан қонунда белгиланган фоиздан ортиқ суммаларни талаб қилиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳоллари учрайди.

Мисол учун К.Аҳмаджонов ўз даъво аризасида О.Комиловга ёзма тилхатга асосан 1.157.000 сўм қарз берганини баён қилган. Жавобгар қарзни ойига 10 фоиз устама тўлаш шарти билан олган. Даъвогар асосий қарз ва устама билан жавобгардан 1.939.000 сўм ундиришни сўраган.

Суд жараёнида О.Комилов тилхатдаги имзо ўзиники эмаслигини билдирди. Аммо суднинг ажримига мувофиқ тайинланган экспертизада имзо О.Комиловга тегишли эканлиги тасдиқланди.

Даъвогар К.Аҳмаджонов ва жавобгар О.Комиловнинг судда берган тушунтириши ва иш ҳолатларидан кўринишича, даъвогар жавобгарга аслида 1.000.000 сўм қарз берган. Жавобгар орадан анча вақт ўтгандан сўнг даъвогарга 750.000 сўм, кейинроқ яна 200.000 сўм берган. Жавобгарнинг даъвогар олдида 50.000 сўм қарзи қолган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан О.Комиловдан даъвогар К.Аҳмаджонов фойдасига асосий қарз 50.000, банк фоизининг ҳисоб ставкаси бўйича 16.750 сўм, шунингдек, суд харажатлари учун 50.000 сўм, жами 116.750 сўм ундирилди.

Шу ўринда яна бир мисол. Маълумки, Фуқаролик-процессуал кодексининг 57-моддасига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаб ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Даъвогар Н.Ризаев судга жавобгар М.Йўлчиевадан 1 миллион 50 минг сўм қарзини ундириб беришни сўраб мурожаат қилган.

Суд ҳужжатларига эътибор берилса, М.Йўлчиева Н.Ризаевдан ҳақиқатан ҳам, қарз олганини ўзи ёзган тилхатда баён этган. Лекин М.Йўлчиеванинг шикоятида Н.Ризаевдан олган 750.000 сўм ҳисобига тилла тақинчоқларини гаровга қўйгани қайд этилган. Бироқ М.Йўлчиева буни аниқ далил асосида исбот қилиб бера олмади. Унинг ўзи ёзган тилхатда қарз олганлигини тан олганидан келиб чиқиб, суд Н.Ризаевнинг қарзни ундириш тўғрисидаги талабларини қаноатлантирган. Вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан суднинг мазкур ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Хулоса қилиб айтганда, қарз шартномаси тузилиши томонларга ўзига хос мажбурият юклайди. Уларни адо этишда белгиланган талабларга риоя этиш, олинган қарзни ўз вақтида қайтариш одамгарчиликдандир. Қарз шартномаси юзасидан гувоҳларнинг кўрсатмалари ёрдамида даъволашиш мумкин эмас. Шунингдек, қарз олувчи қарзини қайтарганида, албатта, бу ҳақда тилхат олиши мақсадга мувофиқ. Бу фуқаролар ўртасида турли низолар келиб чиқишига, ортиқча оворагарчиликларга барҳам беради.

Ихтиёр ҚОСИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти суди раисининг ўринбосари

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

Ёш оилалар мустаҳкамлиги

уни таъминлашнинг маънавий-ҳуқуқий асослари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатимизда оила барқарорлиги — жамият барқарорлиги сифатида эътироф этилиб, шахснинг оилада камол топиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Давлатимиз томонидан ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг турмуш фаравонлигини, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган дастурий мақсадларга асосланиб иш олиб борилмоқда. Зеро, оилага доимий эътибор, унга ҳар томонлама моддий ва маънавий кўмак бериш инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Мамлакатимизнинг келажаги янада порлоқ бўлиши бугунги кун ёшларига ҳамда улар барпо этаётган оилаларга боғлиқ экан, ушбу мақсадда давлатимиз томонидан ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлаш жоиз. 2007 йилда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши муносабати билан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг **«Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга кўра, ёш оилаларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларда ўзи қурган янги оила учун масъулият ҳиссини, ота-онага ҳурмат-эҳтиром, меҳнат қилиш ва халқимизнинг маънавий қадриятлари руҳида бола тарбиялашга интилиш туйғуларини шакллантириш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга, шу жумладан, никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш барча мутасадди давлат органлари ва ташкилотларнинг муҳим вазифаси қилиб белгиланди.



Юртимизда фаолият кўрсатиб келаётган тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш, уй хўжалигини йўлга қўйиш, мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланадиган маиший товарлар сотиб олиш мақсадлари учун кредитлар ажратиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг IX бўлимида «Ёш оилалар тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оилани қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш» белгилаб қўйилди ва 2010 йилда никоҳда турганига камида 3 йил бўлган ёш оилаларга уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Бундан ташқари мазкур йилда ёш авлод соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун 20 ёшгача бўлган болаларга алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолини чеклаш мақсадида **«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»**ги, **«Ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона фаолияти тўғрисида»**ги **«Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси тўғрисида»**ги қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунлар мамлакатимиз ёшларининг ақлан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши, мустақил оила қуришида муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилга **«Мустаҳкам оила йили»** деб ном берилгани бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. **«Мустаҳкам оила йили»** Давлат дастури оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ўсиб келаётган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини оширишга белгилаб қўйилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг асосий йўналиши бўлган оила институтини шакллантиришда қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, жумладан, халқимизнинг ўзига хос урф-одатларини асрабавайлаган ҳолда ҳамда халқаро тажрибадан келиб чиқиб, Оила кодексини, **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги, **«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»**ги қонунларни такомиллаштириш, шунингдек, **«Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»**ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Мустаҳкам оила жамиятни тараққий эттирувчи энг асосий омиллардан бири саналади. Бинобарин, оила мустаҳкамлиги йўлида олиб борилаётган чора-тадбирлар жамиятимизнинг янада равнақ топишига замин яратади.

Олтиной ЭСОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, касса чеки билан товар чеки ўртасида қандай фарқ бор?

Ш.НОМОЗОВ,
Кармана тумани

— **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, касса чеки бу товарнинг сотиб олингани ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганини тасдиқлайдиган, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ва касса аппаратининг номери кўрсатилган ҳужжат саналади. Товар чеки эса, товарнинг сотиб олинганини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганини тасдиқловчи, товар (иш, хизмат)нинг ҳақи тўланганини тасдиқловчи, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ҳамда сотувчининг номи ва жойлашган манзили ҳақидаги маълумот кўрсатилган ҳужжат ҳисобланади.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Ҳалолнинг нони ширин

эгрилик эса, кишини бебурд қилади

Суд очерки

Ҳаётда шундай одамлар ҳам учрайдики, улар пешона тери билан меҳнат қилиб даромад топиш, ҳалол ҳаёт кечиришни эмас, аксинча, ўзгаларнинг мулкига кўз олайтириш, бировлар ҳисобидан текин яшашни кўзлайди.

Албатта, «Бировнинг ҳақи ўзгага буюрмайди», деганларидек, турли хил нопок йўллар билан кун кечиришга уринадиган кимсалар ҳаловат билмаслиги, топганида барака бўлмаслиги аниқ. Қолаверса, қонунда алдов, ишончни суиистеъмол қилиш каби йўллар билан ўзгаларнинг манфаатига путур етказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Нарзулла Самадов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шундай, яъни ўзгалар мулкини ўзлаштиришдан ҳазар қилмайдиган кимсалар тоифасидан чиқиб қолди. Шу боис у давраларнинг тўрида савлат тўкиб ўтирадиган, ёшларга панду насиҳат қиладиган ёшда — элликка кирганида панжара ортида қилмиши учун тайинланган жазони ўташига тўғри келди.

Ҳолбуки, у олий маълумотли мутахассис бўлиб, пойтахтимиздаги машина ва автомобиль эҳтиёт қисмлари сотиш ва сотиб олиш билан шуғулланувчи масъулияти чекланган жамиятда иш юритувчи вазифасида фаолият юритиб келаётган эди.

Нарзулла Самадов 2006 йил 12 декабрь куни ўзи яшаб турган уч хонали квартирасини сотиш ҳақида газетада эълон беради. Орадан кўп ўтмасдан Нигора исмли жувон уйга харидор бўлади. Сотувчи ҳам, олувчи ҳам бир фикрга келишгач, шартнома нотариал тартибда тасдиқланиб, уй Нигоранинг номига ўтказилади.

(Давоми тўртинчи бетда)

масъулият

у фидойилик ва ташаббускорликни талаб қилади

Бундан ҳам қаноатланмаган Ўктам Бобоев омбор мудири Зиёдулла Солиев билан жиноий тил бириктиради. Улар дастлаб жамиятнинг 10 миллион 128 минг 612 сўмлик товар-моддий бойликлари ва қурилиш материалларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган. Сўнг Ў.Бобоевнинг кўрсатмалари бўйича иш юритаётган З.Солиев ўзининг моддий жавобгарлигида бўлган 54 миллион 618 минг 615 сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам нақд пулга сотиб юборади. Устига-устак текин даромадга мазахўрак бўлиб қолган З.Солиев ҳам фирибгарлик йўлига ўтади. У О.Олтмишева ва Г.Рўзиевага 30 тонна пиёз етказиб беришни ваъда қилиб, улардан 12 миллион 600 минг сўм нақд пул олади, пиёз етказиб беришни эса, «эсдан чиқаради».

Тафтиш чоғида Ў.Бобоев ва З.Солиевнинг қилмишлари оқибатида масъулияти чекланган жамиятда 8 миллион 592 минг 284 сўм нақд пулдан, 119 миллион 235 минг 701 сўм товар-моддий бойликлардан, 13 миллион 853 минг 228 сўмлик асосий воситалардан, 6 миллион 887 минг 728 сўмлик жиҳозлардан камомадга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Судланувчи Ў.Бобоевнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки терговда Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, З.Солиевнинг қилмишлари Жиноят кодексининг 167-моддаси 3 қисми «а» банди ва 168-моддаси 2-қисми «а», «в» бандлари билан тўғри малакаланган. Суд судланувчиларга жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олди. Ҳар иккала судланувчига Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан уч йил муайян ҳуқуқдан ва озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Суд ҳукмида масъулияти чекланган жамияти фойдасига судланувчи Ў.Бобоевдан 63 миллион 73 сўм, З.Солиевдан 57 миллион 295 минг 152 сўм ундирилиши кўрсатиб ўтилди.

Мухтасар сўз шуки, ҳалолликдан четга чиқиш охир-оқибатда жиноий жавобгарликка олиб келди.

Зеро, қонуний фаолиятгина кишига обрў-эътибор келтиради. Бу ҳақиқат моҳиятини теран англаб етган киши эса, доимо виждонига қулоқ солиб, қонунни устувор билиб яшайди. Юқоридаги воқеаларни баён этишдан мақсад ҳам аслида ҳалол йўлнинг охири яхшилик эканини яна бир карра эслатиш, холос.

Абдуваҳоб ХЎЖАМОВ,
жиноят ишлари бўйича Навбаҳор тумани судининг раиси

1-iyun — Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni

Юртимиз келажаги ва тараққиётининг муҳим таянчи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бугунги кунда спортчи ёшларимиз нафақат республика миқёсида, балки халқаро мусобақаларда ҳам ғолибликни қўлга киритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда Навоий шаҳрида бўлиб ўтган **«Умид ниҳоллари»** спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригида қайд этилганидек, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган улкан ишларимиз бугунги кунда дунё жамоатчилигида катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотмоқда, энг муҳими, ёшларимизнинг халқаро майдонларда юксак шоҳсупаларга кўтарилиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан юртимизда қарийб 1500 та замонавий спорт объекти бунёд этилганини таъкидлаш ўринлидир. Эътиборлиси шундаки, бу ишларнинг қўлами ва миқёси кенгайиб, барча ҳудуд ва минтақаларимизни, шаҳар ва қишлоқларимизни тобора кенгроқ қамраб олмоқда.

Мамлакатимизда яратилаётган ана шундай кенг имкониятлар туфайли болалар спорти том маънода умуммиллий ҳаракатга айланиб, ўзининг дастлабки амалий натижаларини бермоқда. Буни кейинги тўрт йил мобайнида юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланадиганлар сони 29 фоиздан қарийб 35 фоизга, қизларимиз ўртасида эса, 24 фоиздан 31,5 фоизга ўсгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Буларнинг барчаси ўз навбатида бизнинг эзгу мақсадимиз бўлмиш соғлом авлод тарбиясига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Агарки, 2005 йилда юртимиздаги мутлақ соғлом болалар кўрсаткичи 52 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу рақам қарийб 63 фоизга етгани ва бу борада биз ривожланган давлатлар даражасига тобора яқинлашиб бораётганимиз, албатта, барчамизни хурсанд қилади.

Яратилаётган имконият ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ҳар жабҳада олға интилаётган ёшлар билан биз ҳақли равишда фахрланамиз. Юртимиздаги замонавий академик лицей, касб-ҳунар коллежи, болалар спорти мажмуи, умумий ўрта таълим, санъат ва мусиқа мактабларида таълим олаётган фарзандларимиз ҳам замонавий билимга эга, ҳам миллий қадриятларимизга садоқатли, киши ҳавасини келтирадиган шижоатли ўғил-қизлар бўлиб камолга етаяпти. Улар турли халқаро кўрик-танловлар, нуфузли мусобақалар, фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритиб, Ватанимиз шуҳратини янада оширмоқда.

Фарзандларимизга ўз қобилият ва имкониятларини, куч-қувватини намоён этиши учун зарур шароит яратилиши баробарида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш масласи ҳам алоҳида эътиборда. Кейинги йилларда амалдаги қонун ҳужжатларининг ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисми янада такомиллаштирилди.



Бу йўналишда қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, **«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонун ушбу соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўли билан болаларни, шу жумладан, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини янада оширди.

«Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун болалар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга оид қонунчилик халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида-талабларига ҳам асосланади. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Бола ҳуқуқлари конвенциясига қўшилган. Шунингдек, мамлакатимиз бевосита ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ўттиздан ортиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжат иштирокчисидир. Жумладан, сўнгги йилларда **«Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил, 17 июнь) ратификация қилиш тўғрисида»**ги қонун, **«Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш тўғрисида»**ги қонун кучга кирди.

Жамиятимизда турли сабабларга кўра, ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг яшаш шароити, таълим-тарбияси бўйича барча ғамхўрликни давлат ўз зиммасига олган. Ижтимоий муҳофазага муҳтож болаларга беғараз ёрдамлар сони йил сайин кенгайиб бормоқда. Етим, ногирон ва кам таъминланган болалар таълим-тарбияси учун барча шароитлар яратилган.

Бола ниҳолга ўхшайди. Боғбоннинг тинимсиз парвариши, меҳри ниҳолни улкан дарахтга айлантиргани каби, фарзандларимизга берилаётган чуқур билим, эътибор ва ғамхўрлик, қалбига сингдирилаётган она-Ватанга садоқат туйғуси ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан баркамол инсон бўлиб вояга етишида муҳим омилдир. Бир сўз билан айтганда, бугунги саъй-ҳаракатлар келгусида юксак натижалар бериши, бугун мактаб, лицей ва коллежда таълим олаётган, касб-ҳунар ўрганаётган, замонавий спорт мажмуаларида чиниқаётган ўғил-қизлар азиз Ватанимизнинг корига ярайдиган инсонлар бўлиб улғайиши шубҳасиздир. Умидимиз ва ниятимиз ҳам шу.

Норгул АБДУРАИМОВА

Бу ҳаётда ҳар бир нарсада меъёр бўлгани яхши. Хусусан, кўп ухлаш кишини лоҳас қилиб, ғайратини сусайтиргани каби, уйқусизлик ҳам дард саналади. Мутахассисларнинг фикрича, уйқусизлик касалини тўғри овқатланиш билан даволаш мумкин экан. Бир қарашда, инсонни қийнаётган уйқусизлик билан у истеъмол қилаётган озиқ-овқатлар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқдек туюлади. Аслида тинч ва яхши ухлаш кўп нарсага, шу жумладан, овқатланишга ҳам боғлиқ. Тўғри танланган озиқ-овқат маҳсулотлари уйқусизликни енгишда энг зўр дорилардан кўра яхшироқ самара беради, десак ишонаверинг.

G'aroyib olam

Саломатликнинг минг бир сири

сиз бу ҳақда нималарни биласиз?

Кўпчиликни «уйқуга ётишдан олдин овқатланиш мумкинми?» — деган савол қийнайди. Аксарият мутахассислар бу саволга «йўқ» деб жавоб беришади. Аммо шундай тоифа одамлар борки, ётиш олдидан ул-бул еб олмаса, кўзига уйқу келмайди. Агар сиз ана шундай кишилардан бўлсангиз, уйқу олдидан енгилроқ, ҳазми осон бўлган емак, масалан, бир стакан шарбат ичинг ёки яримта банан ёхуд битта олма енг.

Умуман, тўқ қорин билан тиниқиб ухлаб бўлмайди. Айниқса, ўта ёғли таомлар, ошқозонни шиширидиган минерал сувларнинг салбий таъсири кўп. Агар сизда уйқусизлик ҳолати тез-тез кузатилаётган бўлса, таркибида кофеин бўлган ҳар қандай ичимлик — қаҳва, аччиқ чой, кофеинли чанқовбосди ичимликлардан воз кечганингиз маъқул. Какаони эса, куннинг биринчи ярмида оз миқдорда ва албатта, сут билан истеъмол қилинг. Чунки унинг таркибидаги моддалар асабни тинчлантириш хусусиятига эга.

Агар уйқусизлик сиз учун одатдаги ҳолга айланиб қолган бўлса, таомномангизни қайта кўриб чиққанингиз маъқул. Биринчи галда турли сабзавот ва меваларни кўпроқ истеъмол қилиш керак. Қадимги Рим табиблари уйқусизликдан нолиб мурожаат этган беморларга карам ейишни тавсия этишган. Шунингдек, сабзи, турли салатлар, дуккакли сабзавотлар уйқу бузилишининг олдини олишда яхши самара беради. Ошқовоқ ҳам тинчлантирувчи хусусиятга эга. Аммо у янги сиқиб олинган шарбат ҳолида кўпроқ фойдалидир.

Сабзавотлардан тайёрланган салатларга кўп миқдорда қўкатлар қўшиш керак. Чунки уларнинг таркибида тинчлантирувчи эфир мойлари бисёр. Шивит, кашнич, кўк пиёз шулар жумласидандир. Аксарият табиблар уйқусизликда пиёзга алоҳида урғу беришади ва у қанча кўп истеъмол қилинса, шунча фойдали эканлигини таъкидлашади.

Турли мева ва резаворларни ҳам уйқуни яхшилаш учун ишлатса бўлади. Бу борада, айниқса, банан, ертут, шафтоли, нок, олма, олхўрига тенг келадигани йўқ. Агар сиз оч қоринг ухлай олмасангиз, уйқуга ётишдан ярим соат олдин мана шу меваларидан бирортасидан озроқ енг. Бу бир томондан, қонга тинчлантирувчи моддалар, хусусан, магний тушишини таъминласа, иккинчи томондан, қондаги қанд миқдорини ошириб, очлик ҳиссини йўқотади.

Қадимдан халқ табобатида уйқуга майл уйғотувчи энг яхши восита сифатида асалдан фойдаланиб келинади. Унинг таркибида фойдали моддалар шу қадар кўпки, на табиблар, на замонавий тиббиёт уларнинг айнан қайси бири уйқусизликда самара беришини аниқ айтиб бера олмайди. Чунки асал нафақат минерал моддалар, микроэлементлар ва витаминларга бой, балки унинг таркибидаги ферментлар, органик ва аминокислоталар ҳам асаб тизимини тинчлантириш хусусиятига эга.

Асалнинг 74 фоизини глюкоза ва фруктоза, 5,5 фоизини эса, бошқа углеводлар ташкил этади. Истеъмол қилинганидан сўнг 20 дақиқа ўтибоқ ундаги барча фойдали моддалар қонга сўрилади. Шу боис айнан асалдан уйқусизликка қарши энг самарали ва тезкор восита сифатида фойдаланиш мумкин.

Агар сиз узоқ вақт ухлолмай у ёндан-бу ёнбошга ағанаб ётадиган бўлсангиз, ҳар куни кечки овқат маҳали 1 ош қошиқ тоза асал енг.

Асални олма сиркасига қўшиб истеъмол қилиш унинг фойдали хусусиятини янада оширади. Бунинг учун бир пиёла асалга 3 чой қошиқ табиий олма сиркаси қўшиб, аралашма тайёрлайсиз. Ҳар куни уйқуга ётишдан 30 дақиқа олдин ёки кечаси уйғонганингизда мана шу аралашмадан 2 чой қошиқ истеъмол қилинг.

Маълумки, ёши ўтиб қолган кишилар организми сутни ҳазм қилиши қийин бўлади. Аммо гап эчки сути ҳақида кетганда бундай эмас. Чунки эчки сути сигир сутидан фарқли равишда организм томонидан тез ва яхши ўзлаштирилади. Шу боис у уйқусизликни даволашда кенг қўлланиладиган воситалардан биридир. Уйқуга ётишдан олдин ичилган 1-2 пиёла эчки сути уйқусизлик аломатларини тезда йўқотиши кузатилган. Бунга унинг таркибидаги асабни тинчлантирувчи воситалар сабабдир. Фақат бир нарсани унутманг: эчки сути янги соғилган ва албатта, хом бўлиши шарт. Пиширилган сут ўз таркибидаги аксарият фойдали моддаларни йўқотади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ошқозони турли хилтлардан тозаланган, меъёрида ишлаётган кишилар одатда, уйқусизликдан қийналишмас экан.

Оддий тавсиялар

Қуйида асабни тинчлантириш ва уйқуни яхшилашга ёрдам берадиган баъзи таом ва салатларни келтириб ўтамиз. Уларни бемалол кечки овқатга истеъмол қилишингиз мумкин.

- Озроқ сувда туршак ва анжирни қайнатиб олиб, гўшт қиймалагичдан ўтказинг. Совигач, унга асал ва майдаланган алоэ барги қўшинг. Ҳар куни тахминан кеч соат 22 лар атрофида аралашмадан 1 ош қошиқ еб, устидан ярим стакан қайнатилган сув ёки тинчлантирувчи гиёҳли дамлама ичинг.

- Уйқуга ётишдан олдин ярим стакан янги тайёрланган карам шарбати ёки 150 грамм сабзи шарбати, 50 граммдан қизил лавлаги ва бодринг шарбатлари аралашмасидан ярим стакан ичинг.

- Бирон-бир чуқур идишда ярим стакандан кўпроқ кефир ёхуд қатиқ, 1 дона банан, чорак стакан ошқовоқ шарбати ва 1 ош қошиқ тоза асални эзиб, яхшилаб аралаштиринг. Аралашмани уйқуга ётишдан 1-2 соат олдин ичиш керак.

- 100 грамм хом ошқовоқни майда тўртбурчак шаклида тўғранг ва 30 грамм асал аралаштириб, 40 дақиқа тиндириб қўйинг. Кичикроқ брюква (шолғомсимон сабзавот) ва бир дона олмани тозалаб (олманинг пўстини арчимай, фақат ўртасидаги уруғини олиб ташлаш керак) тўртбурчак шаклида тўғранг-да, ошқовоқ билан аралаштиринг. Тайёр бўлган салатни ликопчага солиб, устига яна озроқ асал қуйинг.

Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚЎЗИЕВА тайёрлади.

Демократик-ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги изчил ислоҳотлар ҳаётимизда тобора кенгроқ акс этмоқда. Бу жараён «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналида ҳам батафсил ёритилмоқда. Журналнинг 2012 йилдаги илк сонидан ҳам жамиятимизда кечаётган кенг қўламли ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий, маънавий соҳалардаги янгиланишларга оид таҳлилий мақолалар ўрин олган.

Mutolaa

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари»

Истиқлол йилларида мамлакатимизда оила институтининг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб номланиши ва Давлат дастурининг қабул қилиниши натижасида бу борадаги саъй-ҳаракатлар янги босқичга кўтарилди. «Ўзбекистон Конституциясида алоҳида боб, яъни XIV боб оилага бағишланган бўлиб, унинг 63-моддасига кўра, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга, — дейилади Н. Йўлдошевнинг «Оила — жамият таянчи» сарлавҳали мақоласида. — Зеро, оила ҳақида ғамхўрлик қилиш, унга моддий ва маънавий кўмак бериш инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир».

Халқимизнинг ўзига хос яшаш тарзида муҳим ўрин тутадиган ижтимоий институтлардан яна бири фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалладир. Маҳалла тарбия ўчоғи, меҳр-оқибат маскани сифатида миллий қадриятимизга айланган. А. Аҳмедовнинг «Жамият барқарорлигининг асоси» сарлавҳали мақоласида маҳаллаларнинг маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, қадриятларимизни тарғиб қилиш, баркамол авлодни вояга етказишдаги ўрни ҳақида сўз юритилади.

Шунингдек, Т. Норбоеванинг фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва бунда касаба уюшмаларининг ўрни масаласига доир «Аҳоли ижтимоий муҳофазаси — бош мезон», Ҳ. Каримованинг ёшларимизда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш зарурати, «оммавий маданият» деб аталган мафкуравий таҳдиднинг хавф-хатари ва уларнинг олдини олишда сиёсий маданиятнинг ўрни тўғрисидаги «Ёшларда сиёсий маданиятни шакллантириш манбалари» сарлавҳали мақолалари журнал мазмун-мундарижасини янада бойитган.

Мухтасар қилиб айтганда, «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг янги сони ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигини таъминлаш, оила институтининг мавқеини янада мустаҳкамлаш сингари чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини ёритишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шаҳло ЙЎЛЧИЕВА,
ТДЮИ талабаси

Ehtiyot bo'ling, firibgar!

Ҳалолнинг нони ширин

эгрилик эса, кишини бебурд қилади

Суд очерки

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Пулни олган Нарзулла хонадон калитини жувонга топширяркан, кутилмаганда, ялинишга тушади:

— Синглим, кўринишдан ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган аёлга ўхшайсиз. Биргина ўғлим бор, оғир дардга чалиниб қолди, уйни ҳам аслида шунинг учун сотдим, ҳозир эса, борадиган жойимиз йўқ. Агар хўп десангиз, арзонроқ уй топилгунча шу ерда яшаб турсак, ижара пулини вақтида тўлаб турамиз.

Она эмасми, уч нафар фарзанди билан овсинининг уйида яшашига қарамай, Нигора фирибгарнинг алдовларига лаққа ишониб, рози бўлади. Нарзулла эса, яхшиликнинг қадрига етиш, ўзини тушунган инсоннинг манфаатларини поймол этмаслик ўрнига... «Бу уйда вақтинча эмас, умрбод қолишим керак», — деган ғайритабиий қарорга келади.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас у хизмат вазифаси туфайли тез-тез гаплашиб турадиган таниши Толибжон Муродов ҳам айни шу мавзеда жойлашган уч хонали уйини сотмоқчи эканлигидан хабар топади. У хаёлига келган шумниятни амалга ошириш мақсадида бозорга тушиб, совға-салом харид қилади ва Толибжоннинг уйига йўл олади.

Меҳмондорчилик авжига чиққан маҳал Нарзулла гўё гапдан-гап чиққандек кўнглидагини достон қила бошлайди, якка-ю ягона ўғлининг бетоблиги, уни даволатиш учун яшаб турган уч хонали уйини сотгани, айни пайтда эса, ижарада яшаётганини айтади. Дўстининг кўзига ёш келганини кўрган Толибжон ўзининг бу воқеалардан бехабарлигидан уялиб, Нарзуллага тасалли бермоқчи бўлади:

— Нега уйни сотишдан олдин бизга бир оғиз маслаҳат солмадинг? Қараб ўтирмасдик, қўлдан келганча ёрдамлашардик, ахир.

— Сизларни ҳам ташвишга қўймай дедим-да, — дейди Назрулла оғир хўрсиниб. — Уйни сотишга сотдим-у, лекин бошим қотган. Чунки бошқа уйим йўқ. Аммо мени тўғри тушунсанг, бир илтимосим бор, — дейди у мезбонга кўзларини лўқ қилиб.

— Айтавер бемалол, қўлимдан келса, бажонидил ёрдам бераман! — рози бўлади Толибжон мушкул аҳволда қолган дўстига ёрдами тегиши мумкинлигидан хурсанд бўлиб.

— Тунов куни уйингни сотишингни айтгандинг. Хўп десанг, мен уйимни сотиб олган жувонга сенинг уйингни кўрсатсам, ёқса, у менга уйимни қайтаради. Шунда сен уйни менга сотган бўласан. Пулинни икки-уч ойда бераман.

Хуллас, Толибжон азбаройи дўстининг корига яраш учун бу таклифни қабул қилгач, Нигорага янги уй кўрсатилади. Аввалига бундай таклифдан бироз хавотирга тушган Нигора яхши таъмирланган, Нарзулланикига нисбатан шинам уйни кўриши билан дарров розилик беради. Шу тариқа аввалги уй эгасига қайтарилиб, Толибжоннинг уйи нотариал тартибда Нигорага сотилади.

Ҳаётда инсоннинг бошига кутилмаган ташвишлар тушади. Ана шундай паллада қўллаб-қувватлаб турган, ёрдамини аямаган одамга ҳар қанча раҳмат айтсанг, миннатдорчилик билдирсанг, арзийди. Зотан, одамийлик шуни тақозо этади. Буни қарангки, Толибжондан қарз кўтарган Нарзулла икки-уч ой эмас, икки йил ўтса ҳамки, омонатни эгасига қайтаришни хаёлига келтирмайди. У билан оилавий борди-келдиси бўлмаган Толибжон эса, Нарзулланинг барча гапларини ҳақиқат билиб, қарзини сўрашдан, яъни қийин аҳволдаги кишини янада мушкул вазиятга солишдан истиҳола қилади.

Аммо кўпни кўрган кишилар айтадиган «Бировнинг ҳақи ўзгага буюрмайди», деган ҳикматнинг маъноси теран экан. «Толибжонни боплаб туширдим!» — деб ич-ичида қувониб юрган Нарзулла бошқа кишиларга ҳам шу «ҳунар»ини кўрсатгани учун 2008 йил декабрда Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми «а» банди билан жавобгарликка тортилиб, қамоққа олинади. Шунда бетини қаттиқ қилган Нарзулла яқинлари орқали яна Толибжондан ёрдам сўрайди. Яъни у жабрланувчига етказган моддий зиённи қоплаб, уни қамоқдан чиқарса, ҳамма қарзини бир йўла узишини айтади. Толибжон бу гал ҳам унинг алдовларига ишониб, таниш-ларидан пул тўплашга тушади. Масалан, Рустам Рафиқовдан «Хонда-Аккорд» русумли автомашинани олади. Бу машина қонуний асосда жабрланувчи номига расмийлаштирилиб, етказилган зарарнинг қолган қисми нақд пул билан қопланади. Натижада Нарзуллага нисбатан қўлланилган қамоқ чораси тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартирилади. Шу тариқа Нарзулла Самадов содиқ дўстининг ёрдамида озодликка чиқади. Бироқ ҳақиқий дўстнинг ишини қилган Толибжонга яна қуруқ ваъдалар тегади, холос...

Фирибгарнинг жиноий қилмиши шу билан тугабди-да, деб ўйлашингиз мумкин. Аммо янги йилга бир кун қолганда фирибгар Н.Самадов яна эски «ҳунар»ини кўрсатиб, жиноий жавобгарликка тортилади. Давлат ҳисобига тўланиши лозим бўлган 3 265 000 сўм тағин Толибжоннинг ҳисобидан тўланганини эшитган киши, тўғриси, бу йигитнинг бағрикенглиги, кечиримлилигига қойил қолиши шубҳасиз. Аммо не ажабки, Нарзулла дўстининг қадрига яна етмайди.

Устига-устак у жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Мирзо Улуғбек тумани «Зиёли» кўчасида жойлашган «Супермаркет савдо» МЧЖ билан ўзи ишлайдиган МЧЖ ўртасида тузилган шартномага асосан, «Супермаркет савдо» МЧЖдан 2008 йилда ишлаб чиқарилган, ҳар бирининг баҳоси 34 544 400 сўм бўлган 2 та тракторни сотиб бериш шарти билан олиб, шартномани бажармаган.

Албатта, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмагани каби Нарзулла Самадов ҳам таъмагирлиги, фирибгарлиги, товламачилиги, хизмат вазифасидан ғаразли мақсадларда фойдаланганлиги учун қонун олдида жавоб берди.

Бироқ у дўстининг олдидаги обрўсини энди қайта тиклай оларми-кан? Ахир, дўстлик ўзаро ишончга қурилади. Ўз яқинига яхшиликни раво кўрмайдиган кимса эса, охироқибат юзшувут бўлиб қолмоғи тайин!

Саъдулла АШИРМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани судининг судьяси
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
журналист

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-616. Қоғоз бичими: А-2, Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6677.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰